

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

_____ 2021 й.
“ ____ ” _____

“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

_____ 2021 й.
« ____ » _____

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент фармацевтика
институтини ректори, К.С.Ризаев

_____ 2021 й.
« ____ » _____

**5А 510502 – ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА
БОШҚАРИШ
магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус (ихтисослик)
фанларидан**

ДАСТУР

Тошкент - 2021

Аннотация

Дастур: 5510500 – Фармация (Фармацевтика иши), 5510500 – Фармация (Фармацевтик таҳлил), 5510500 – Фармация (Клиник фармация), 5111000 – Касб таълими (510500 – Фармация (Фармацевтика иши) таълим йўналишларининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Умарова Ш. З. – Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси мудири,
фарм.ф.н., проф..
Суюнов Н.Д. – Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси профессори
фарм.ф.д.

Дастур Тошкент фармацевтика институти Кенгашининг 2021 йил 9 июлдаги №12-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

Ҳозирги кунда халқимизнинг турмуш шароити ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Давлатимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» маърузасида таъкидланганидек: . . . «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз¹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”га қарорлари қабул қилинди.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси – талабалар билимини чуқурлаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида республика соғлиқни сақлаш соҳасига аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш масаласидаги муаммолар ечимларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

Дастур 5510500 – Фармация (Фармацевтика иши), 5510500 – Фармация (Фармацевтик таҳлил), 5510500 – Фармация (Клиник фармация), 5111000 – Касб таълими (510500 – Фармация (Фармацевтика иши) таълим йўналишлари 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь, № 243 (6678). 2-б.

бошқариш" магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан, 2 та ихтисослик фанлари бўйича: Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва дорихона иқтисодиёти, Фармацевтикада бошқарув асослари фанлардан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

ФАРМАЦЕВТИКА ИШINI ТАШКИЛ ҚИЛИШ фани бўйича:

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва фармацевтика тизимини ташкилий тузилиши. Фармацевтика фаолияти, дорихоналар учун лицензия бериш. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини лицензияланадиган турлари. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилиш. Лицензия битимини расмийлаштириш. Ҳужжатларнинг лицензияловчи орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилиш. Фармацевтик фаолият учун лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишни амалга ошириш.

Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлашни ташкил қилиш. Дорихонада олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситалари, концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлашни ташкил қилиш. Шифохона ва шифохоналараро дорихоналар ишини ташкил қилиш. Дорихона рецептураси, унинг таснифи. Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситаларига ва бошқа тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва аниқлаш. “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари.

Рецептни таксировка ва экспертиза қилиш. Дорихонада олиб қилинадиган рецептларнинг сақланиш муддатлари. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Қонуни. Хусусий дорихоналар, уларнинг вазифалари. Дорихона штати. Дорихонадаги бўлимлар. Рецепт бланкаси турлари. Беморларга бепул рецептлар асосида, дори воситаларини бериш. Ўсма касали билан оғриган беморга наркотик дори воситаларини бериш, рецепт бланкаси. Шифокор томонидан ёзилган рецептда хатоликка йўл қўйилганда фармацевт технологнинг қандай иш тутиши. Ғамламалар бўлимидаги фармацевт ва кадоқловчиларнинг вазифалари. Дорихона омборхонасидан дори воситаларини олиш, дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шаҳобчаларига молларни тарқатиш тартиби. Ғамламалар бўлимидаги дори

воситаларининг сақланиши. Наркотик, психотроп, захарли моддалар, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Лаборатория ва қадоклаш ишларининг ҳисобини олиб бориш тартиби. Дорихоналарда концентратлар, яримфабрикатлар. Товар ҳаракати жараёнида уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Фармацевтикада логистика тизимининг фаолияти. Улгуржи савдода воситачиларнинг вазифалари. Дорихона омборини ташкил қилиш ва унинг вазифалари. Наркотик, захарли дори воситалари ва этил спиртининг омборхонада беришни ўзига хос хусусиятлари. Дорихона омборхонасида товарлар ҳаракати. Дорихона омборхонасида шартнома асосида, товарни олиш тартиби. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика хизматининг назорат-рухсатнома тизими ҳақида тушунча ва унинг тузилиши. Назорат-рухсатнома тизимини ташкил этишиш ва ривожланиш босқичи ҳақида тушунча. Дорихонада назорат-аналитик хоналарини ташкил қилиш ва уларнинг жиҳозланиш. Дорихонада тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи фармацевт-аналитик ва фармацевт-технологнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Дорихонада тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш турлари. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази ДУК ва унинг асосий вазифалари. Фармакология, фармокопея, наркотиклар назорати, тиббий техника назорати қўмиталари ва уларнинг вазифалари. Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Маркази, унинг лабораториялари, илмий-услубий ва инфорацион бўлими, ва сертификатлаштириш секторининг вазифалари.

Дори воситалари улгуржи савдосида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (шартнома, прайс). Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий буюмларининг Давлат Реестри ҳақида тушунча ва шарҳ. Дори воситаларини қайд этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати. Фармацевтик бозорида улгуржи савдо тизими фаолиятини ташкиллаштириш. Дорихона тармоқларига тиббиёт маълумотлар етказиб берувчи таъминотчилар. Дорихона омборига келиб тушган дори воситалари сифатини текшириш тартиби. Дорихона омборидаги моллар ҳисобини олиб бориш ва уларнинг бўлимларидаги ҳаракатини назорат қилиб бориш. Дорихона омборининг зиммасидага вазифалар. Рецептдаги муҳим қисқартмалар, рецепт бекор қилиниши. Дорихона рецептура бўлимида аҳолидан келган рецептларни қабул қилиш тартиби.

Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма ҳақида маълумот.

ФАРМАЦЕВТИКА ИҚТИСОДИЁТИ фани бўйича

Дорихона иқтисодиёти фанига кириш. “Фармацевтика иқтисодиёти” фанининг предмети ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби. Моддий-ишлаб чиқариш бойликларининг ҳисоби (келтирилган товарларнинг ҳисоби). Моддий-ишлаб чиқариш бойликларининг ҳисоби (товарлар сарфининг ҳисоби). Пул маблағлари жараёнларининг ҳисоби. Ҳисоб-китоб жараёнларининг ҳисоби. Меҳнат ва иш ҳақининг ҳисоби. Дорихона муассасаларининг ўз маблағларини шаклланиши. Бухгалтерия баланси. Дорихона муассасаларининг бухгалтерия ҳисоботлари. Товар, моддий бойликлар, пул маблағларини инвентаризация қилиш. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими асослари. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш асослари.

Иқтисодий – таҳлилнинг назарий асослари. Дорихоналарнинг фаолиятини режалаштириш. Дорихоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш услуги. Дорихонанинг савдо ҳажмини режалаштириш. Дори воситаларига нарх белгилаш асослари. Дорихоналарнинг моддий ресурслари: асосий капитали ва айланма капитали. Дорихоналарнинг товар ресурсларини режалаштириш. Дорихона муомала харажатларини режалаштириш. Дорихоналарнинг меҳнат ресурсларини режалаштириш. Дорихона фойдасини режалаштириш. Дорихонанинг молиявий ресурсларини режалаштириш. Дорихона бизнес-режасини тузиш.

ФАРМАЦЕВТИКАДА БОШҚАРУВ АСОСЛАРИ фани бўйича:

Фармацевтика тизимини бошқариш фанига кириш. Фармацевтика тизимини бошқаришда бошқарув асослари ва тамойиллари. Дорихоналарни бошқариш. Фармацевтика ташкилоти – бошқарув объекти сифатида. Фармацевтика ташкилотида кадрлар бошқарувининг асослари. Бошқарув ва раҳбарлик услублари. Фармацевтика ташкилотларини бошқарувида лидерлик. Фармацевт ходимларни малакасини ошириш ва аттестацияси. Меҳнат қонунчилиги бўйича асосий маълумотлар. Фармацевтика ташкилотларида меҳнат шартномасини тузиш қоидалари. Тайм-менежментни ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари. Меҳнат интизоми ва уни таъминлаш. Фармацевтика ташкилотларини бошқаришда

коммуникация. GMP, GLP, GCP халқаро сифат стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг моҳияти. GDP, GPP, GSP ва ISO халқаро сифат стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг моҳияти. Дори воситалари сифатини бошқаришда сертификатлаштириш тизими ва асосий тушунчалар. Дори воситаларининг ва тиббий маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқаришда ва хориждан келтиришда сертификатлаштириш тартиби. Фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштириш муаммолари. Фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштиришни бартараф этиш чора-тадбирлари. Фармацевтика ташкилотлари фаолиятининг назорати. Фармацевтика бошқаруви тизимда аудит.

Фармацевтика тизимини бошқаришда маркетинг фанининг предмети, аҳамияти ва объектлари. Истеъмолчилар талабига асосан, маркетинг турлари ва вазифалари. Фармацевтика ташкилотларида маркетинг комплексини шакллантириш. Фармацевтика корхоналарида маркетинг тизимини ташкил этиш. Фармацевтика бозорида рақобат муҳити ва фармацевтик корхонанинг рақобатбардошлиги. Дори воситалари рекламасининг қонуний асослари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика бозорининг инфратузилмаси, унинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Фармацевтика бозорининг конъюнктураси. Фармацевтика бозорининг сегментация кўрсаткичлари. Фармацевтика ташкилотлари маркетингининг макромуҳити. Фармацевтика ташкилотлари маркетингининг микромуҳити. Фармацевтика бозори тизимида товар сиёсати. Фармацевтика товарларининг бозордаги ҳаётий даври. Фармацевтика товарларига нархнинг шаклланиши, нарх сиёсати. Маркетинг таҳлилининг ахборот манбалари билан таъминланиши. Дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар ассортиментининг таҳлили.

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА
КИРУВЧИЛАРНИНГ МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ
(ФАРМАЦЕВТИКАДА БОШҚАРУВИ, ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ИҚТИСОДИЁТИ)
БЎЙИЧА БИЛИМИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАР**

Магистратурага кирувчилар кириш имтиҳонларини (ёзма иш шаклда) Тошкент фармацевтика институтида ўқийдиган тилда топширадилар.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанлари бўйича (фармацевтикада бошқарув, фармацевтика ишени ташкил қилиш ва фармацевтик иқтисодиёт) магистратурага кирувчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини қай даражада эгаллаганликларини адолатли тарзда баҳолашдан иборат. Бунда магистратурага кирувчи фан юзасидан мушоҳадаси, фикрлаш доираси, қўйилган вазифалари ечимини топишда билимлар ва кўникмалар захирасидан қай даражада фойдалана олиш қобилияти ҳам инобатга олинади.

Магистратура мутахассисликларининг кириш имтиҳонлари таркибига киритилган мутахассислик (махсус) фанлари учун баҳолаш 0 баллдан 100 баллгача ташкил этади.

Баҳолаш тартиби

Ушбу фанлардан синов ёзма шаклда амалга оширилиб, унда мутахассислик фанларидан умумий 4 та савол бўлиб, 1 савол фармацевтик бошқаруви, 1 савол фармацевтик иқтисодиёти, 2 савол фармацевтика ишени ташкил қилиш фанларидан киритилади.

Жами 4 та саволнинг тақсимланиши куйидагича:

Жами саволлар сони	Саволларнинг фанлар бўйича тақсимланиши	Битта тўғри жавобга бериладиган балл	Жами балл
4	Фармацевтик бошқарув – 1 та	25	25
	Фармацевтика иқтисодиёти – 1 та	25	25
	Фармацевтика ишени ташкил қилиш – 2 та	25/25	50
		Жами балл: 100 балл	

Хар бир савол учун берилган балл	Изоҳ
21,0-25,0	Талаба берилган саволларга тўлиқ жавоб берди. Мутахассислик фани жараёнларини яхши билади. Берилган саволнинг моҳияти яхши тушуниб, ижодий фикрлаб, мўътадил мушоҳада ярата олади, мукамал билимга эга.
17,0-21,0	Талаба берилган саволларга жавоб берди. Мутахассислик фанини яхши билади, фикрлайди ва мустахкам билимга эга. Қисман ёки муҳим бўлмаган айрим камчиликлар бўлиши - таҳлил ва фикрлашда айрим хатоликлар мавжуд. Айрим муҳим бўлмаган хатоликлар мавжуд. Жараёнларнинг баёни тўлиқ эмас.
14,0-17,0	Талаба берилган саволларга қисман жавоб берди. Баёнда ноаниқликларга йўл қўйди. Мутахассислик фанини етарли даражада билмайди. Билимлари тўлиқ эмас. Жараёнларининг баёни қисман.
14 баллдан кам	Талаба берилган саволларга жавоб бермади.

Магистратурага кириш саволлари бўйича талабаларнинг олган рейтинг баллари жамланиб, умумий балл чиқарилади.

Баҳолаш мезонлари	<p>86-100 балл “аъло”</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва амалий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш, - Ўзбекистон Республикаси ССВнинг фанга оид бўлган буйруқларини билиш; - Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва фармацевтика тизимини ташкилий тузилиши; - Фармацевтика фаолияти, дорихоналар учун лицензия бериш. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини лицензияладиган турлари. Лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар билиш; -Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлашни ташкил қилиш. Дорихонада олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситалари, концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлашни ташкил қилиш. Шифохона ва шифохоналараро дорихоналар ишини ташкил қилиш; - Наркотик, психотроп, захарли моддалар, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятни лицензиялаш учун керакли
--------------------------	--

	<p>хужжатларни билиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Дорихона иқтисодиёти фанига кириш. “Фармацевтика иқтисодиёти” фанининг предмети ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, дорихона фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисобини олиб бориш; - Иқтисодий – таҳлилнинг назарий асослари. Дорихоналарнинг фаолиятини режалаштириш. Дорихоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш услуги; - Фармацевтика тизимини бошқариш фанига кириш. Фармацевтика тизимини бошқаришда бошқарув асослари ва тамойиллари. Дорихоналарни бошқариш. Фармацевтика ташкилоти – бошқарув объекти сифатида. Фармацевтика ташкилотидида кадрлар бошқарувининг асослари. Бошқарув ва раҳбарлик услублари. - Фармацевтика ташкилотларини бошқаришда коммуникация. GMP, GLP, GCP халқаро сифат стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг моҳияти. GDP, GPP, GSP ва ISO халқаро сифат стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг моҳияти. - Фармацевтика тизимини бошқаришда маркетинг фанининг предмети, аҳамияти ва объектлари. Истеъмолчилар талабига асосан, маркетинг турлари ва вазифалари. Фармацевтика ташкилотларида маркетинг комплексини шакллантириш <p>71-85 балл “яхши”</p> <ul style="list-style-type: none"> - Фармацевтика фаолияти, дорихоналар учун лицензия бериш. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини лицензияланадиган турлари. Лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар; - Дорихона иқтисодиёти фанига кириш. “Фармацевтика иқтисодиёти” фанининг предмети ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари; - Фармацевтика тизимини бошқариш фанига кириш; - Дорихонада олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситалари, концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлашни ташкил қилиш. - Фармацевтика тизимини бошқариш фанига кириш. Фармацевтика тизимини бошқаришда бошқарув асослари ва тамойиллари. Дорихоналарни бошқариш. Фармацевтика ташкилоти – бошқарув объекти сифатида. Фармацевтика ташкилотидида кадрлар бошқарувининг асослари. Бошқарув ва раҳбарлик услублари. <p>55-70 “қониқарли”</p> <ul style="list-style-type: none"> - Дорихона турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш; - Лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар ҳақида маълумотга эга бўлиши; - Иқтисодий – таҳлилнинг назарий асослари. Дорихоналарнинг фаолиятини режалаштириш;
--	---

	-“Фармацевтика иқтисодиёти” фанининг предмети ва вазифалари.
	0-54 “қониқарсиз” -ўтилган фаннинг назарий ва амалий тушунчаларни билмаслик; - дорихона ҳақида тасаввурга эга эмаслик; - меъёрий ҳужжатлар асосида ҳужжатлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиги

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан «Фарзандлари соғлом юртнинг келажак буюқдир» учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 5 январь, № 243 (6678). 2-б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56-б.
5. E.R. Toshmuhamedov, X.S. Zaynutdinov, A.M. Komilov, R.A.Muhamedova, Ye. B. Juravlyova, M.Z. Islomova. Farmatsevtika ishini tashkil qilish. Professor A.N. Yunusxo’jayevning umumiy tahriri ostida.-Toshkent, 2007-223b.
6. E.R. Toshmuhamedov, X.S. Zaynutdinov, R.Z.Ziyayev, M.Ya.Ibragimova, S.Sh. Zulfitdinova, A.M.To’xtayeva, Sh.Z.Umarova. Farmatsevtika iqtisodiyoti. Professor E.R. Toshmuhamedov tahriri ostida.- Toshkent, 2007.- 415 b.
7. Саипова Д.Т. Фармацевтик менежмент фанидан амалий машғулотлар учун ўқув услубий кўрсатмалар тўплами. - Т. 2011. – 186 б.
8. В. Прокопишин, В. Сафта, М. Брумэрел. Основы фармацевтической деятельности. Кишинев, 2003. – 488 с.
9. Организация и экономика фармации. Под ред. И.В. Косовой. Москва, 2004. 397 стр.

10. Умарова Ш.З., Содиқова Г.Э., Фармацевтика иқтисодиёти (амалий машғулот учун) “Ҳисоб ва ҳисобот” бўлимидан ўқув услубий қўлланма. – Тошкент, 2013. – 145-б.
11. Умарова Ш.З., Суюнов Н. Д., Содиқова Г.Э., Саидова М. Ё. Дорихона фаолиятининг иқтисодий таҳлили ва уни режалаштириш (II бўлим): Фармацевтика иқтисодиёти фани бўйича “Фармация” факультети IV курс магистратурага кирувчиларининг амалий машғулотлари учун ўқув-услубий қўлланмалар тўплами – Тошкент, 2013. – 156-б.
12. Управление и экономика фармации. Фармацевтическая деятельность организация и регулирование, Москва, 2003. Том 1, под ред. Е.Е.Лоскутовой, 350 с.
13. Фармацевтика иқтисодиёти. Электрон ўқув дарслик. Тошмухамедов Э.Р. таҳрири остида, Зайнутдинов Х.С. ва бошқалар. 2005.
14. Х.С. Зайнутдинов. «Фармацевтик менежменти» фанидан электрон дарслик 2006 й. 215 б.
15. Юнусхўжаев А.Н. таҳрири остида Зайнутдинов Х.С. ва бошқ. Фармацевтика ишини ташкил этиш: Электрон ўқув дарслик. – Т., 2005. 305-б.
16. “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика назорати фаолияти ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайъатининг 2003 йил 26 сентябр №9/33 сонли қарори.
17. Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, 2004. 280-296-б.
18. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё., Менежмент: 100 савол ва жавоб, Тошкент, “Меҳнат”, 2000, 492-б.
19. Мыльникова И.С. Новые организационные технологии лекарственного обеспечения. Москва, 2001. – С. 280.
20. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлик ҳисобни миллий стандартлари. Тошкент-2016 й. www.lex.uz
21. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. А.Н.Юнусходжаев таҳрири остида, 2001. – Т. 1 – 2. 478-496-б.

